

Эбеш илликни мугдатиган илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

„ОҚ ОЛТИН“ КАРВОН-КАРВОН

Бўлаклик пахтакорлар катта шоду ҳурралик билан «оқ олтин» карвонини ҳозирладилар. Поёнсиз далада да ёз бўйи пахта иши билан тер тўкиб меҳнат қилган деҳқонлар кўнглидагидек ҳосил тўлади. Улар йил бошида 62 минг тонналик улкан хирмон уйиш мажбуриятини олган эдилар. Бугунги кунда азамат пахта усталари етиштирган ҳосил мўлжалдагидан юқори дейишмоқда.

Эрталабдан район маркази байрамлардагидек безанди. Қизил байроқлар, жанговар шиорлар ёзилган алвонлар пахтакорларнинг катта меҳнат ва жасорат билан етиштирган баракани ҳосилдан дарак беради. «Хамма пахта терилган!» «Республикамизнинг олтин тўйига муносиб соғна тайёрлашмиш». Пахтакорларнинг дилгига тўғиб қўйган бу йилги азму қарорини ана шу шиорлардан билса ҳам бўлади. Улар кутариники рух, ўзгача гайрат ва оқибат зўгу инти билан дастлабки ҳосил ишоналлардан қизил карвон уябган трактор принципарида элик мезининг фазри, кўчкор, шоҳшарҳа бўлган пахта қабул пункти томон оқиб бормоқда. «Оқ олтиннинг ҳар миқсидан бўлаклик пахта усталари, Социалистик Меҳнат Қасрамонлари, илгор механизаторлар, умрини пахтачилик йўлига бағишлаган

ажойиб кишиларнинг табнат қўйишчилари кўлида қилган курашлари, меҳнатда кўрсатган мардликлари мўжасам.

Райондаги илгор Ҳамза номли колхоз деҳқонлари ҳам қизил карвонга муносиб ҳисса қўшдилар. Улар бу йил ҳар гектар ердан қирқ центнердан ҳосил етиштириш, барча пахтани юқори сифатларга топиштиришга сўз берилган. Бугун колхоз деҳқонлари қабул пунктига 40 тоннадан ортиқ дурдона тортиқ қилишди. «Партия XX съездин колхоз зарфиятлари ҳам дараж қадан ташлашди. Улар бугун йиллик планининг икки проценти миқдорда пахта топишиб, кўпчилигининг олтишга сазовор бўлдилар.

Районда тажрибали механизаторлар, элик центнерчилар сони йил сайин кўлайиб бормоқда. Элик центнерчилар ҳаракатининг ташаббускори Социалистик Меҳнат Қасрамони Саодат Гулҳамидова бошлиқ бригада пахтакорларнинг республикамизнинг юбилей тўйига тайёргар сазовор янада улкан. Улар бу йил намда ҳар гектар ердан олтидан ҳосилдорлигини янгиради центнерга кўтариш, ҳосилнинг 95 проценти «азгори кема»ларда териб олиш нияти билан меҳнат қилишмоқда.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозининг моҳир механизатори Ленин ордени кавалери Сервер Усейновнинг номини ҳалма кураб билан тилга олади. Азамат механизатор бошлиқ звено 50 йилликда элик центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар. Звено бошлиқнинг ўзи эса бу йилги мавсумда 400 тоннадан ортиқ пахта териб беришга аҳд қилди.

Дастлабки ҳосил бўйи қизил карвон тантанасига таъинланган митингда сўзга чиққан район партия комитетининг биринчи секретари Мавлон Эгамбердиев азамат деҳқонлар амалга оширган ана шу ишлар, улкан, муваффақиятлар ҳақида кўнгли ва фазри билан гапирди.

Буна пахта тазалаш заводининг директори Тоҳир Мирзамоллов ҳосил юқдорлари деҳқонларга қарата шундай деди:

— Заводимиз коллектив катта шодлига ва қувонч билан дастлабки ҳосилни қабул қилмоқда. Деҳқонларимиз қўли, пешана тери билан етиштирилган «оқ олтиннинг» ҳар бир грами биз ишчилар учун нақадар қадри ва қимматлидир. Шунинг учун ҳам бу йилги мавсумга алоҳида ҳозирлик қўрдик. Ҳар бир гектар 300 тонна пахта кетадиган 10 та майдонча янгидан қўрилди. 30

миг квадрат метр жойга эса асфальт ётқизилди. Заводимизга келтирилган пахтани тўтловсиз қабул қиладиган, туширадиган ва ортадиган 50 минг сўмлик замонавий техника сотиб олинди. Бу йил пахтани поток усулда тўтловсиз қабул қилиш шакли асосий бўлиб қолди. Биз пахта тайёрловчилар деҳқонларнинг юбилей хирмони янада улкан бўлишига тилакдоримиз.

Шунингдек, митингда «Партия XIX съездин» колхоз партия ташкилотининг секретари А. Ҳожиқулов, «Қуорон» совхоз директори Х. Абдиев, «Партия XX съездин» колхоз раиси М. Ҳайитов, Ҳамза номли колхоз бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қасрамони С. Гулҳамидова, Карл Маркс номли мактабининг 9-синф ўқувчиси М. Исоқовлар сўзга чиқиб пахтакорларнинг дастлабки қизил карвонига оқ йўл тиладилар. Қизил карвон шарафига ташкил этилган тантана кечгача давом этди. Шу кунги бўлаклик пахтакорлар давлатга 300 тоннага яқин «оқ олтин» топиширди.

А. МИРЗААХМЕДОВ,
Н. ТУРАЕВ,
«Тошкент ҳақиқатининг» махсус мухбирлари.

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАИДА



Суратда: Бўлада «оқ олтин» карвони. А. Абалиев фотоси.

ПИСКЕНТДА ОЧИЛГАН ПАХТАЛАР ТЕРИЛА БОШЛАДИ

Пискент районидagi «Гулистон» колхозининг далаларида термичилар пайдо бўлди. Фахри Бадалов бригадаси пахтаси очилган пайкаллари терилган иштирди. Деҳқонлар мўл ҳосил етиштирдилар. Улар республика ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилей шарафига 160 гектар майдондан ҳар гектаридан 45 центнердан — аилдагига қараганда 15 центнер кўн пахта терилиш мўлжалламоқдалар. Ленин номи колхоз, «Пискент-1» совхоз пахтазорларида ҳам терим бошланди. Техникадан фойдаланиб бўл майдонга участкалардаги пахта қўлда терилмоқда. Тез орада машиналар ҳам ишга тушади. Хўжаликларда машина теримига катта-катта пайкаллар тайёрлаб қўйилмоқда.

О. ПАНОВА,
«ЗТАГ» мухбири.

Студентларнинг қўли билан

Ўзбекистон студентларидан 25 мингдан ортиқ киши ўзининг меҳнат семестрини тугатди. Улар курулши отрядлари, нинг составида Мари АССР, Олтой, Мангитлоқ қурилишларида меҳнат қилдилар. Ю. Гагарин ватанида уй қурдилар. Мирзачўлда ва Қарши чўлида ариқлар қазинида қатнашдилар. Студентлар қисқа муддат ичинда неча ўнлаб мактаб, болалар боғчаси, уй-йўл, чорвачилик комплексларини қурдилар.

Студентлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейини нишонлаш учун юзлаб мактаблар, клублар, пионер саройларини жамоатчилик асосида ремонт қилиб бердилар, ўнлаб спорт майдонларини, стадионларини қурдилар.

Қурилиш отрядларининг жангчилари 28 миллион сўмлик — белгиланганда 2 миллион сўмликдан ортиқ миқдордаги ишларини бажаришди. («ЗТАГ».)

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЎЗГАНИ ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 5 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи сўн — дефолиация қилинадиган майдон лани, иккинчи сўн — бир кунда қилинган, (гектар ҳисобида), учинчи сўн — планинг бажарилиши (процент ҳисобида).

Қўн	10200	1053	41,3
Чирчиқ	6700	623	38,6
Юқори	19100	1536	31,5
Бўка	14600	1380	19,2
Оққўрғон	12100	366	9,9
Бекобод	16900	738	9,3
Янгиёул	8500	85	7,9
Чиноз	7400	23	0,5
Урта	17800	—	—
Чирчиқ	17800	—	—

Область бўйича 113300 5834 16,9

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАКЖАҲУХОРИ ДОНИ ТАЙЕРЛАШ БЎИДА ШУ ЙИЛ 5 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи сўн — ҳалқ хўжалик плани, тонна ҳисобида, иккинчи сўн — бир кунда топирилган, тонна ҳисобида, учинчи сўн — мавсум бошидан бери тайёрланган (планга нисбатан процент ҳисобида)

Урта	Чирчиқ	630	131	171,3
Юқори	1125	—	117,6	
Чирчиқ	610	26	116,9	
Янгиёул	695	74	113,4	
Оққўрғон	790	28	111,5	
Бекобод	960	35	107,2	
Калинин	550	11	100,5	
Бўстонлиқ	550	189	86,2	
Бўка	1000	242	84,6	
Охангарон	960	105	83,1	
Чиноз	860	45	81,0	
Оржоникидзе	400	69	77,7	
Қўн	870	75	60,2	

Область бўйича 10000 1030 100,2

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Москвага келган Венгрия Социалистик илчи партияси Марказий Комитети Сисей бюросининг аъзоси, Мар-

казий Комитет секретари Ўртоқ К. Неметин 5 сентябрда қабул қилди.

Л. И. Брежнев билан К. Немет Ўртоқлар ўртасида бўлиб ўтган самийий дўстона суҳбат давомида КПСС билан ВСНП ўртасида ҳам,

корликни янада ривожлантиришга доир бир қанча масалалар, шунингдек ҳар икки томонини қизиқтирувчи бир қанча муҳим ҳалқаро проблемалар муҳокама қилинди.

ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Марказий Статистика бошқармасининг ҳабар беришча, республика индустрияси саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан 1974 йил январь — август ойлари планини 103,6 процент, меҳнат унумдорлиги планини 102,3 процент бажарди.

Саккиз ой мобайнида пландан ташқари 233 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,4 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 4,1 процент ошди.

Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг барча областари саноат маҳсулотини реализация

қилиш саккиз ойлик планини бажардилар.

Қорақалпоғистон АССР, республика областари ва Тошкент шаҳри маҳсулотини реализация қилиш планини ва саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суъватларини кўйидагича бажардилар:

(Биринчи сўн — август ойида маҳсулотини реализация қилиш планининг бажарилиш проценти, иккинчи сўн — январь — август ойларида маҳсулотини реализация қилиш планининг бажарилиш проценти, учинчи сўн — 1974 йил январь — август ойларидаги илчи маҳсулот 1973 йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида).

Ўзбекистон ССР бўйича жами	102,3	103,6	107,4
Қорақалпоғистон АССР	106,6	106,1	119,3
Андижон области	104,0	105,3	103,2
Бухоро области	95,0	101,8	96,6
Жиззах области	98,4	103,4	113,9
Қашқадарё области	105,9	105,6	102,7
Наманган области	105,5	105,5	107,7
Самарқанд области	102,1	103,4	109,4
Сурхондарё области	105,7	104,4	108,7
Сирдарё области	101,3	106,5	127,7
Тошкент области	102,1	103,3	108,8
Фарғона области	102,9	103,8	104,3
Хоразм области	104,2	104,3	109,2
Тошкент шаҳри	103,1	102,8	109,7

Қорақалпоғистон АССР саноат корхоналари пландан ташқари 10,3 миллион сўмлик, Андижон области корхоналари 21,2 миллион сўмлик, Бухоро области корхоналари 8,2 миллион сўмлик, Жиззах области корхоналари 2,6 миллион сўмлик, Қашқадарё области 13,2 миллион сўмлик, Наманган области 17,2 миллион сўмлик, Самарқанд области 20,0 миллион сўмлик, Сурхондарё области 9,7 миллион сўмлик, Сирдарё области 8,5 миллион сўмлик, Тошкент области 37,6 миллион сўмлик, Фарғона области 34,9 миллион сўмлик, Хоразм области 7 миллион сўмлик, Тошкент шаҳри 40,0 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар.

Пахта тазалаш саноати корхоналари шу йилнинг саккиз ойи мобайнида пландан ташқари 99,3 миллион сўмлик, енгил саноат корхоналари 26,4 миллион сўмлик, озиқ-овқат саноати корхоналари 28,1 миллион сўмлик, гўшт ва сут саноати корхоналари 13,7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Республикадаги бошқа министриклар ва идорааларнинг корхоналари шунингдек тифтоқ қарамоғидидаги индустрия планининг ошириб бажарилишига анча ҳисса қўшдилар.

КАНОП ЎРИМИ АВЖИДА

Ким Пен Ха номли колхоз лубкорлари каноп проясини йиғиб-териб олиш учун жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Айниқса, Султон Шакарбоев бошлиқ бригадада иш қизгин бўлди.

Бригадамиздаги 13 гектарлик майдондаги каноп қўтилдагидек парвартиш қилинди. Вақтида ишлов бердик, сугордик. Умуман канопа 5 марта ишлов бердик, 2 марта озиқлантирилди. Каноппи култивация қилишда, механизатор Мамат Мамазовнинг қилган меҳнати мақтовга муносиб. 7 марта оби-ҳаётга қондирдик, — деди бригада бошлиғи.

Дарҳақиқат даладаги каноп бўлиқ, бўйи 2,5 метрдан ошди.

Бригадада 15 киши ўриш ишлари билан банд бўлди. Ўроқчилардан В. Нажинов, Х. Ҳуматов, Ю. Алексеев, А. Буронбоевлар кунига 0,5 гектарлик майдондаги каноп проясини ўрдилар. «АС-1» маркали агрегатини механизатор Эрмек Давлатов моҳирлик билан боққарди. Агрегат енида Акбар Абдуллаев, Турди Аюбоев, Анром Гонимовлар астойдил меҳнат қилдилар. Бу бригада аъзолари юбилей йилида ҳар гектардан 200 центнердан «қўн поя» олдилар. Улар энди 78 гектар пахтазорининг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» олиш учун астойдил курашмоқдалар.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

40 ЦЕНТНЕРЧИ

Бекобод районидagi Дзержинский номли колхознинг Мамадулло Ҳакимов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» топириш мажбуриятини олишган. Деҳқонлар ҳар тул ғўзада мажбуриятини қўлайилган даражада ҳосил тулаш учун курашиб, меҳнатда янгидан-янги ютуқларини қўлга киритишди. 35 колхозчи, 10 сувчи, икки механизатор гайрат камарини маҳкам боғлаган. Дала айланнида давом этавиз. Ўза туллари бирма-бир

ғўздан кечириб, қўсақларини санидик, Олти-саккиз, тўққизтадан бўлиқ қўсақ.

— Буларнинг ҳаммаси, — дейди бригада бошлиғи, — сентябрь ойи пахтаси бўлади. Биз ҳосилдорлигининг асосий қисmini машиналарда териб олиш учун курашамиз. Шу мақсадда «азгори кема»лар ишлайдиган майдонлар қайтадан ғўздан кечирилмоқда. Улар пахта теримига тула шай бўлиб туришсин.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ.

ЗАВОДДА ПОТОК ЛИНИЯ

АНГРЕН. Керамика заводига бевақ пиллар пийриб чиқарувчи поток линия қўрилди бошланди. Перв машинасозлик заводидан бу ерга келтирилган замонавий машина-укуналар мавжуд туннель пени алмаштириди, шундан сўнг ҳар бир плиткани пийриш вақти бир неча баравар қисқаради. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш йилига 40 минг квадрат метрдан 90 минг квадрат метргача кўпаяди. Линияни муддатидан янги йил аввал — октябрда монтаж қилиб тугатиш мўлжалланган.

(«ЗТАГ».)

ТЕРИМЧИ МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

ЎЗБЕКИСТОН Қасаба союзлари Советининг Президиуми пахта терими вақтида теримчи механизаторларнинг республика социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Қасаба союзлари Советининг 10 та фахрий ёрлиғи тавсис этилди. Мусобақа ғолибларига «1974 йилда пахта терим машинасининг энг яхши меҳаник-ҳайдовчиси» унвони билан бирга шу ёрлиқлар берилди.

Ҳосилни мумкин қадар қисқа муддатларда териниш таъминлаган ва ишчи аъло даражада бажарган 50 та механизаторга қимматли совғалар билан бирга биринчи ва иккинчи ўринлар берилди. Мусобақа илгорларини рағбатлантириш учун

250 та имтиёзли туристик йўл-ламалар ҳам ажратилган.

Ўзбекистон Қасаба союзлари Советининг Президиуми қасаба союзлари ташкилотлари зиммасига механизаторлар мусобақасининг йуналишини, ҳар кунги чиқариб турилиш таъминлини, уларнинг энг яхшиларини кенг қўламда рағбатлантириш, ҳосилни машинада териниш илгор усулларини чаққон ёйишни таъминлашни топишди.

Механик ҳайдовчилар республика мусобақасининг якуналарига «ҳосил байрами»гача тулланади.

РОССИЯГА ПАХТА ОРИЛГАН ПОЕЗДЛАР

УРТА Осиё магистралининг темирйўлчилари Россия Федерациясининг тўқмачилик корхоналарига янги ҳосил пахта

толасини ортиб жўнатишга килдирилган. Сентябрьнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳар кунги шимолга янги мавсумини бошлаган пахта заводларининг биринчи сорт пахта тоиларидан 30—40 вагон жўнатишга турибди.

— Сентябрь мобайнида Ива, ново, Барнаул, Горький ва бошқа шаҳарларнинг тўқмачиларига, шунингдек экспортга 6660 вагон пахта тоин ортиб жўнатишга мўлжалланган. Деди темир йўл хизматининг бошлиғи А. Е. Екузов. — Ҳозир терим барвақт бошланган районларнинг корхоналари пахта тоиларини жўнатишда. Сурхондарё, Фарғона водийси, Тожикистон ва Туркменистон шулар жумласидандир. Аммо яқин кунларда Тошкент области, Мирзачўлдаги, сўнгра Зараф-

шон водийси, Хоразм ва Қорақалпоғистон пахта заводларига дастлабки вагонлар берилди. Сентябрьдаёқ пахта тоилари ортиб даражасини кунига 200—220 вагонгача ва ундан ҳам кўпга етказилиши мўлжаллаб туришмоқда. Ушанда маршрут пахта поездлари ҳам тузилади: бундай вагонлар ажратилмай ва сортровка қилинмай Ўзбекистондан тўқмачилик ўлкаларига қача йўлни босиб ўтади.

Темирйўлчилар пахта ортишга қанча керак бўлса шунча вагонини ҳеҳ тўтловсиз етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Улар ҳалқ хўжалик юрларини рағбатлантиришда ортиш, вагон оборотини жаддалаштириш ҳисобида «оқ олтин» ортиш учун қанча поезд керак бўлса шунча тайёрлаб бериш ниятидадилар.

(«ЗТАГ».)

БИА—ТАСС фотоси.

АСОСИЙ ЙУНАЛИШ—ЗАМОНАВИЙЛИК

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Максим Горький номидаги Ленинград академик Катта драма театри санъаткорлари Тошкентда ўз чиқишларини бошлади. Бу машҳур коллективнинг Ўзбекистонга биринчи гастроль сафаридир. Коллектив сафига мамлакатимиздаги энг истеъдодли, шухрат қозонган санъаткорлар тўпланган бўлиб, улар билан шоироналик, новаторлик доимий ҳамбурчас бўлган.

Бугун биз театрининг баъзи бир ижодий ютуқлари ҳусусида, театрининг бош режиссери, Ленин мукофоти ва Давлат мукофоти лауреати Г. А. Товстоногов ҳақида ҳамда сўнгги пайтдаги энг яхши спектакллар тўғрисида хитоз қўлақчилик қиламиз.

КДТ — саноат мулкчилари бу ижодий коллективни шундай деб аташади — ҳақрамонча революция даврида юзага келди, биринчи кўндан бошлаб озолик ва ҳақиқат учун кураш театр ҳаётининг идеали эканлигини тасдиқлади. Театрининг голий илҳомлашувчи, рус саноат театрининг талантли усталарини труппага бирлаштирган киши Алексей Максимович Горький эди.

1919-йилда қўйилган ilk спектакли билан КДТ ўз эътиборини янги ҳақрамон — жасур, ботир, яхшилик ва ҳақиқат тантанаси учун

жонини ҳам аямайдиган инсонга қаратди. Томошабинлар классик драматургия, персонажларнинг уйғоғини, истеъдодли актёрларнинг маҳоратини илиқ қарши олди, ёрқин ва тиник режиссура театрга киббатан Петроград ишчиларининг муҳаббатини уйғотди.

Гражданлар уруши тугади, социализм қурилиши бошланди. Уш чода саҳнага ўзидан янги жамият идеалини мужассамлаштирган бошқа ҳақрамон кириб келди. Бу ҳақрамон ўзидан буюк ҳаёт ҳақиқатини намоён этди ва томошабинлар орзигиб кутган сўзларни баралла айтди. Янги ҳақрамонлар — революция жангчилари, ишчи ва деҳқонлар эди. Қайсики, Николай Погодин, Борис Лавренев, Юрий Олеша ва бошқа драматургларники улар образини ҳаққоний ёрқин берган эдилар.

Уш йиллардан бун замонавийлик театр репертуаридан мустақил ҳаёт учун олди, совет пьесалари репертуарининг асосий мағзини ташкил этди. КДТ нинг улкан камолоти Максим Горький асарлари билан ўз йили боғлиқ. Шу боисдан театр номи унинг номи билан аталади. Буюк пролетар ёзувчиси томонидан нимаки ёзилган бўлса, ҳаммаси театр саҳнасида ўз жилосини топади. «Мешчанлар», «Душманлар» ҳамда «Достига» ва бошқалар ҳанузгача энг яхши саҳна эҳтиш учун курашга ундайди. Воқеа

асарлари қаторидан тушмай келмоқда.

Театрнинг янги даври унга бош режиссёр Георгий Александрович Товстоногов келгандан кейин бошланди. Бу одамда талант, донолик ва санъаткорона жўшқинлик, мислсиз фантазия, санъатда ўз сўзини айта оладиган доғишмандлик чинор томирдай бир-бирига туташиб кетган.

Товстоноговнинг новаторлиги саҳналаштириш услубида яққол кўзга ташланди. У ўз театри йўналишини революцион гоа руҳи билан сўзларган замонавий санъат даражасига бурди ва шунга эришди. Албатта, бу сўзлар Катта драма театрининг бугунги ишларига ҳақиқат берилади, зотан спектаклини тушуниш қалити ана шу йўналиш ва услубда.

«Мешчанлар»да эгонизм ва камчиликдан қўл қўйиб, қабиллик ва маънавийликка қўл бўлган одамлар образини талқин этди. Бунг анқ аа маҳорат билан кўрсатиб берган. СССР халқ артистлари Кирилл Лавров, Евгений Лебедев ва спектаклда иштирок этган бошқа актёрлар роллари шундай ижро этишдики, томошабинларда меҳмонликдан ақирта бўлмайдиган таъмағирликка, руҳий нонорликка турғинас набрат уйғотди, зални кўгошнндай оғир сукунат босади.

рўй берган пайтда, бунинг ҳеч қайсиси замонга алоқаси йўқдек туюлади. Санъаткорлик Г. А. Товстоногов ҳозирни кўриш учун ва санъат тили билан замондошлар саъвоига жавоб бериш учун ёрдам қилади.

Ўзбекистон пойтахтига ленинградликлар ўн битта спектакль келтиришди. Шонли анъанани давом эттириб, меҳмонларимиз ўз гастролларини А. М. Горький пьесаси билан очди. Бу сафар «Мешчанлар» спектакли қўйилди.

«Мешчанлар» — Ленинград театрининг ажойиб ижодий ишларидан бири. Яқинда бу асарнинг репертуардан тушмаганига ўн йил тўлади. Спектаклнинг сири фақат буюк драматург ҳаёли ва образларининг ҳеч қачон ўлмаслигидангина эмас. Театр «Мешчанлар»да эгонизм ва камчиликдан қўл қўйиб, қабиллик ва маънавийликка қўл бўлган одамлар образини талқин этди. Бунг анқ аа маҳорат билан кўрсатиб берган. СССР халқ артистлари Кирилл Лавров, Евгений Лебедев ва спектаклда иштирок этган бошқа актёрлар роллари шундай ижро этишдики, томошабинларда меҳмонликдан ақирта бўлмайдиган таъмағирликка, руҳий нонорликка турғинас набрат уйғотди, зални кўгошнндай оғир сукунат босади.



Суратда: Ленинград Катта театри артистларини вокзалда кутиб олиш пайти. Ўнгдан СССР халқ артисти К. Лавров.

С. Каган, фотоси.

Тақлиқ революция арбоби Н. Э. Бауман ҳақида кино қўлуви «Учинчи соқин» пьесаси ҳам театрининг энг яхши ишларидан ҳисобланади. Бош ролда СССР халқ артисти Владимир Стрельчич ўйнайди. Бу актёрнинг театрдаги ҳар бир иши текширилмаган сўмқондан юришидир. У айни сўмқондан ўз қидиғанини топишга ҳаракат қилади. Юксак муҳаббатсиз даражасига етганлиги, театрга бўлган сўнгсиз севгили В. Стрельчичнинг муваффақият қозонишига ёрдам беради.

Бугунги кунда ленинградликлар репертуарида салкам йигирма спектакль бор. Шу жумладан ҳаққон драматургиясининг султонлари Н. Гоголнинг «Ревизор», В. Шекспирнинг «Кирол Генрих IV» асарлари,

Л. Рахмоновнинг тарихий-революцион «Безовта кексалик» пьесаси, грузин классиги А. Цагарелининг қувноқ ва зўико «Хонум» комедияси, русин драматурги А. Барангининг сатирик «Жамоат фикри» асари, ажойиб совет драматургларидан бири ҳисобланган В. Розовнинг «Ананий йигини», «Оқшомдан тушгача» деган икки пьесаси ҳам театр репертуаридан ўрин олган. Шунингдек, Н. Рошчининг «Валентин ва Валентина» спектакль — мувоҳасаси ва Н. Жуковичининг «Колумба учун ичимиз» ярим фантастик комедияси ҳам бор. Улар қаторига яқинда бир-бири ўхшамаган А. Вамбиловнинг чуқур психологик «Утган ёзда Чулимска» драмаси ҳамда В. Шүрчинининг «Ғайратли одамлар» сатирик комедияси қўшилди.

Спорт

СССР КОМАНДАСИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Беш кун давомида Москва кўчалари ва стадионлари спорт ишқибозлари билан гажим бўлиб турди. Ўз ерда спортчиларнинг бешкураш бўйича XX жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Урашунинг дастлабки кунидан то сўнгги соатларигача СССР командаси аъзолари пешқадамлигини қўлдан бермай келдилар. Пирова, диди СССР командаси жаҳон чемпиони унингга сазовор бўлди.

Финишга яқин тезлирининг оширган америкалик бешкурашчилар эса кумуш медалини қўлга киритдилар. Учинчи ўрин Чехословакия спортчиларига насиб бўлди.

РИНГДА УМИДЛИ ЕШЛАР

Ойгур офицерлар уйининг ёғи театрида СССР да хизмат кўрсатган тренер Жансон хотираси соҳирини учун ўтказилган аш боисчилар республика биринчилиги қизғин паллага кирмоқда. Ўзбекистон ва СССР, нинг турли шаҳарлардан келган 152 умидли боисчилар узаро «жанг»ларини дадил ўтказмоқдалар. Урашувларда жаҳон чемпиони Руфат Рисиевнинг акаси Алишер алоҳида эҳтиш билан маҳорат кўрсатмоқда. У дастлабки урашувда бухоролик Алиева устидан енгилгана галаба қозонди. Навбатдаги урашувда эса тошкентлик Аҳмедов устидан голий чиқди.

Алишер Рисиевдан бошқа ҳамшаҳарларимиз қўли ҳам рингда баланд келмоқда. Ботир Усмонов, ҳамид Усмонов, Руфат Зондов каби тошкентлик еш боисчилар дастлабки очоларини қўлга киритиб, рингда пешқадам бўлиб турибдилар. 8 сентябрда турнир якунланади. Голий чиққан боисчиларга СССР спорт мастери унвони тақдим этилади.

«СПАРТАК»НИНГ МАЎЛУБИЯТИ

Куми кеча Москининг «Спартак» командаси Доночининг «Шахтёр» командасини қабул қилиб, 1:3 ҳисобида ютказиб қўйди. Сўнгги дақиқаларгача «Шахтёр» футболчилари устунлигини нўддан бермадилар. Ўйин тугашига бир неча дақиқа қолгандагина спартакчилар рақиб дарвозасига битта тўп киритишга муваффақ бўлишди.

Ҳозир олий лига командалари турнир жадалларида қўйилганча жойлашишган:

	У	Ю	Д	М	Т	О
Динамо К.	20	10	8	27	32	12
Зенит	21	6	13	2	25	25
Торпедо	20	9	6	5	26	18
Черноморец	20	8	4	29	22	24
Спартак	20	8	7	5	21	18
Динамо М.	20	7	8	5	27	21
Шахтёр	21	6	10	5	23	22
Днепр	20	7	7	6	18	22
Пахтакор	20	6	7	7	31	32
Арабат	19	6	7	20	16	18
Қайрат	19	5	8	6	28	27
ЦСКА	20	5	7	8	22	17
Динамо Тб.	20	4	9	7	16	26
Заря	20	4	7	9	22	30
Карпати	18	2	9	7	13	20
Нистру	20	3	6	11	25	39

Редактор ўринбосари:

Р. УМАРОВ.

ЖИЗЗАХ ЖАМОЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ КЎНЛАРИ



Кўргазма залларида ўрнатилган полотноларнинг бирида бугунги кўн манзараси ўз фодосини топади. Унда кенг майдон бўйлаб тупроқ сураётган, ерининг шўрини сидириб ташлаётган бульдозер ва скреперлар тасвирланган. Чўкувар яхшиликлар янги бог-роғлар яратиб, еруни бўстонга айлантириш ишларида меҳнат қилаётгилар. Область меҳнат қашлари қисқа вақт ичида неча юзлаб гектар янги ер очиб, пенсия пахтазорларга айлантиришди.

Республикамиз юбилейи йилида улар 300 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш таша билан меҳнат қилмоқдалар. Область механизаторлари машинадан унумли фойдаланиб, ҳосилини 220 минг тоннасини пахта териш машиналарида териб бериш мажбуриятларини олгандар.

Кўргазмага қўйилган экспонатларда чўкуварларнинг мана шу меҳнати тўлақондан акс эттирилган. Жиззах области ўтган йили таъмин этилган. Ҳозир бу ерда 3 та район бор. Ҳа, демай, область территорияси яна ҳам кенгайди. Областада комплекс усулда 150 минг гектар янги ер ўз

лаштирилади. Бу ерда пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, богдорчилик, узумчилик совхозлари вужудга келтирилди. Биринчи «Голодостепь» йўли билан бу йил обиласть территориясида 113 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

Областада ажойиб пахта усталари етишиб чиқмоқда. Кўргазма залларида пахта усталарининг портретларини кўришингиз мўкин. Бу ерда уста пахтакор Соҳилистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Ҳамроқул Носиров, пахтачилик бригадасининг бошлиғи Умри Орифжонов, область Советининг депутаты, механик-ҳайдовчи Тожибиби Ганиева, социалистик мусобақа голийи, бутуниттифок халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг каби илғор кишилар портретлари кўргазма залларига осиб қўйилган.

Жиззах области ҳозирги кунда кўркам дёғрага айланиб бормоқда. Чўкуварлар партиямиз XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Қўриқ ерларда

ги совхозлар давлатга 196 минг тонна пахта топширишди. Бу жуда улкан ютуқдир. Жиззах область меҳнатқашлари богдорчилик, чорвачилик ва бошқа қиллоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш устида ҳам тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Чўли бўстонга айлантираётган область меҳнатқашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига саноат ишлаб чиқариш унуми курашмоқдалар. Йиллик планини 24 декабрда бажариш учун бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Область маҳаллий саноат бошқармасининг қорхоналари ҳам аҳоли эҳтиёжлари учун қўлаб буюмлар ишлаб чиқаришни ўлаштирмоқдалар. Бу йил улар гилам, сўзана, чойшаб каби маҳсулотлар тайёрлашни ўлаштиришди. Область саноати келажакда янада кўсаялади. Шу йилнинг охирига бориб Обручевода йилга 60 миллион донга ёшт тайёрлайдиган завод қўриб битказилади. Жиззах тўқувчилик фабрикаси, 30 минг бодий буюмлар фабрикаси, Галлворолда гилам цехи, кондитер

маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари қувайти ошади. Тўққизинчи беш йиллигининг охирига бориб, Форш районига янги гилам фабрикаси, Жиззах шаҳрида керамик завод ишга туширилади. Жиззах шаҳри республикамиздаги энг йирик саноат марказларидан бири бўлиб қолади. Сўт ва консерва заводлари, тўқувчилик ва йигирув фабрикалари, қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи, гўшт комбинати қурилади. Шаҳарда маданият ва спорт саройлари, область театри, ҳамма қўлайликларга эга бўлган замонавий уйлар барпо этилади. Шу йилнинг ўзидеёқ шаҳар ободончилиги учун бир миллион сўмлик маблаг сарфланади.

Областада умумий таълим мактаблари кенгайтирилмоқда. Ҳозирги вақтда областада 338 та умумий таълим мактаблари бўлиб, уларда юз минг ўқувчи таълим олмақда. 10 та хўнара-техника билим юрти ва техникумларда халқ хўжалиги учун ярим мингга яқин мутахассис тайёрланмоқда.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.



Суратларда: Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси павильонига Жиззах области намоён қилиётган экспонатлардан намуналар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ҚИРГИР ИШГА ҚЎЛ УРИБ...

Савдо соҳасида қариндош-уруғчилик давлат ишнини издан чиқарили. «Узспортторг»нинг Олмалиқ шаҳридаги 34-мағазини А. Т. Короев мудир бўлиб келди, қаноти остига ўз таъин-биллиларини қариндош-уруғларини қўллаб боплади. У бу ерда ўзига ёғлироқ дарамадин қийраётган эди. Шу мақсадда ўз таъини Х. Дукаевни сиклад мудирини, П. Д. Жигевни Охангарон шаҳридаги «Узспортторг» филиалига мудир қилиб тайинланганига ердан берди. Мана энди учовлон яна ўз таъин-биллиларини тўлаб, ишни юргизиб юборишлари керек эди. Худди шундай бўлди. Аста-секин баъзи топарларга нарх қўйиб сотиш аявига чиқарди. Харидорлардан бир неча бор шикоят

лар тушган давлат савдо инспекциясидан ботган ходимларини улар маънавий, ахсиқча хизмат вақтида бу ходимларнинг шахсиятини камситишга уриндилар. Текширувчилар тегилли органлардан вақили олганларидан сўнггина савдо ходимларининг қирдорларини очига эришдилар.

Текшириш вақтида ходимларнинг қўполийлиги, харидорларга бўлган соғув мўносабатдан ташқари қатор жиддий нуқсонлар ҳам борлиги аниқланди. Масалан, Д. Жигоев номери 111-57-артикули дивангаль

комплексиясининг 5-57 номерли моторини 81 сўмдан сотган, ленин моторга қўшиб берилиши керак бўлган айрим эҳтиёт қисмларини эса яна мағазинида «эҳтиёт» қилиб қўйган. Шу мотордан ҳаммаси бўлиб мағазинида олти донга келтирилган бўлса, ундан текширилган вақтдага тўртта сотилган. савдо ходимлари харидорларни 48 сўм 94 тийинга алдашган. Бундан ташқари сикладда «ИЖ» мотоциклнинг притцепи, ИЖ-103 мотоциклнинг мотори ва бошқа товар-

лар беркитилганлиги аниқланди.

Савдо ходимларининг ҳийла найрангларини фой бўлган «Узспортторг»нинг айрим бўлақлари инспекция ходимлари чикарган қарорини бажармасликка уриниб қўридилар. Ленин ҳеч натижа қилмагандан сўнг «Узспортторг» қарлар бўлимининг бошлиғи ўртоқ Чебарисов давлат савдо инспекциясига келиб совет савдоси қонунини бузувчилар номидан уэр сўради ва қарорини ўзгартириш тўғрисида айтимос қилди. Аммо совет қонун харидорлар насабасига чанг солувчиларни фой этиб, уларга тегилли назо бериш тарафдоридир. Шунинг учун ҳам бу иш тергов органларида топшириди.

А. ТУЛАГАНХЎЖАЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана в облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар — 338142.
коммулятор — 330249 дан
330258 гача